

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг 7-сон
Қ А Р О Р И

2022 йил 9 июнь

Тошкент шаҳри

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб - Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

Жамиятда 2021 йил учун ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 35-моддасига асосан устав капиталида давлатга тегишли улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари ҳар йили 15 июнга қадар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига ва Жамият уставининг 8.6-бандига мувофиқ мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш жамият умумий йиғилиши (ягона акциядор) ваколат доирасига кириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 1-бандига кўра акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тайёрлаши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5083-сон қарорига мувофиқ Жамият 2021 йил август ойида ташкил

этилганлигини инобатга олиб, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби 2022 молиявий йил тўлиқ якунланганидан сўнг амалга оширилишини тақозо этади. Шу муносабат билан Жамиятнинг 2021 йил якунлари учун бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботи мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Жамият ижроия органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талабларига мувофиқ электрон шаклда ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш жараёнида қатнашган аудиторлик ташкилотларининг таклифларини ўрганиш натижасида аниқланган, миллий аудиторлик стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш имкониятига эга бўлган “NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти энг яхши кўрсаткичларга эга эканлиги эътироф этилди ҳамда кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақнинг энг кўп миқдори 39,0 млн сўмни ташкил этган (*Маълумот илова қилинади*).

Шу муносабат билан Жамиятнинг Ягона акциядори қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини миллий аудиторлик стандартларига мувофиқ текширувдан ўтказиш учун “NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитор сифатида белгилансин ва кўрсатиладиган хизматлар учун энг кўп ҳақ миқдори 39,0 млн. сўм миқдорида белгилансин, ушбу ташкилот билан белгиланган тартибда шартнома тузилсин.

2. Ушбу қарор ижросини таъминлаш Жамиятнинг бошқарув раиси М.А. Илхамов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг
биринчи ўринбосари

О.Насритдинходжаев